Ўзбекистон Республикаси
Самарқанд вилояти
ҲОКИМИ

ХОКИМ
Самаркандской области
Республики Узбекистан

170

# ҚАРОР—ПОСТАНОВЛЕНИЕ

_____йил „9" февраль № 52-Қ

**Ташкилот, муассаса ва корхоналарнинг ёрдамчи қишлоқ хўжалиги ерларидан оқилона фойдаланмаётган ер майдонларини қайтариб хўжаликларга бериш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси "Ер кодекси" нинг 36 моддасига асосан ташкилот, муассаса ва корхоналарга ёрдамчи қишлоқ хўжалигини юритиш учун ажратилган ер майдонларидан оқилона фойдаланмаётганликлари тўғрисида қуйидаги туман ҳокимларини қабул қилган қарорларини кўриб чиқиб

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Булунғур, Қўшработ, Нарпай туман ҳокимларининг ташкилот, муассаса ва корхоналарга ёрдамчи қишлоқ хўжалигини юритиш учун ажратилган 315 гектар, шундан 33,4 гектар суғориладиган ер, 2 гектар пичанзор, 217 гектар лалми ер майдонидан оқилона фойдаланмаганликлари учун жамоа ва ижара хўжаликларига қишлоқ хўжалигида фойдаланиш учун қайтариб бериш тўғрисидаги қабул қилган қарорлари иловага асосан тасдиқлансин.

2. Вилоят ер ресурслари бошқармаси (Ш.Ахмедов) га туманлар хўжаликларининг ер тўғрисидаги ҳисоботларига ўзгартиришлар киритиш оширилсин.

3. Ушбу қарорнинг бажарилишини таъминлаш вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Б.Бердимуродовга юклатилсин.

**Вилоят ҳокими** **Э.РУЗИЕВ**